

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1112-ҳадис

1112/2517 – عَنْ أَبِي هُرَيْثَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَيُّمَا رَجُلٌ أَعْتَقَ امْرَأً مُسْلِمًا، اسْتَنْفَدَ اللَّهُ بِكُلِّ عُضُوٍّ مِنْهُ عُضُوًّا مِنَ النَّارِ».

1112.2517. Алий ибн Хусайннинг соҳиби Саъид ибн Маржона айтади:

«Абу Хурайра розияллоҳу анҳу менга деди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қай бир киши мусулмон одамни озод қилса, унинг ҳар бир аъзоси эвазига Аллоҳ бунинг бир аъзосини дўзахдан қутқариб олади»**, деганлар».

Саъид ибн Маржона айтади: «Сўнгра мен Алий ибн Хусайннинг олдига бордим. Шунда Алий ибн Хусайн розияллоҳу анҳумо Абдуллоҳ ибн Жаъфар ўн минг дирҳамга [ёки минг динорга] баҳолаган қулининг олдига атайлаб бориб, уни озод қилиб юборди».

Манба: hadis.islom.uz

